

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ХУЗУРИДАГИ
ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ АКАДЕМИЯСИ ХУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Yu.23.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ХУЗУРИДАГИ
ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ АКАДЕМИЯСИ**

АЗАМОВ ЖАСУРБЕК МУРОДОВИЧ

**ХУҚУҚНИ ҚЎЛЛАШ ФАОЛИЯТИДА ПРОГНОЗЛАШНИНГ
НАЗАРИЙ-ХУҚУҚИЙ МАСАЛАЛАРИ**

**12.00.01 – Давлат ва ҳуқуқ назарияси ва тарихи;
ҳуқуқий таълимотлар тарихи**

**юримдик фанлар буйича фалсафа доктори (PhD) диссертация
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2019

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Content of the abstract of the dissertation of the Doctor of Philosophy (PhD)

Азамов Жасурбек Муродович

Хуқуқни қўллаш фаолиятида прогнозлашнинг назарий-хуқуқий
масалалари..... 3

Азамов Жасурбек Муродович

Теоретико-правовые вопросы прогнозирования в п
равоприменительной деятельности23

Azamov Jasurbek Murodovich

Theoretical and legal matters of forecasting in law enforcement activities.....43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works47

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ХУЗУРИДАГИ
ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ АКАДЕМИЯСИ ХУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Yu.23.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ХУЗУРИДАГИ
ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ АКАДЕМИЯСИ**

АЗАМОВ ЖАСУРБЕК МУРОДОВИЧ

**ХУҚУҚНИ ҚЎЛЛАШ ФАОЛИЯТИДА ПРОГНОЗЛАШНИНГ
НАЗАРИЙ-ХУҚУҚИЙ МАСАЛАЛАРИ**

**12.00.01 – Давлат ва ҳуқуқ назарияси ва тарихи;
ҳуқуқий таълимотлар тарихи**

**юримдик фанлар буйича фалсафа доктори (PhD) диссертация
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2019

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.4.PhD/Ү31 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация иши Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (<http://www.dba.uz/uz/tadqiqotchilarga/ilmij-kengash>) ва «ZiyoNET» Ахборот таълим тармоғида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Жалилов Шухрат Илхомович
юридик фанлар доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Тулътеев Ильяс Тавасович
юридик фанлар доктори, доцент

Юсупов Сардор Баходирович
юридик фанлар бўйча фалсафа доктори (PhD)

Етакчи ташкилот:

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги
Юристар малакасини ошириш маркази

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Ү.23.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил «19» декабрь соат 15:00 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100003, Тошкент ш., Ислон Каримов кўчаси, 45. Тел.: (998) 71-232-60-80; факс: (998) 71-232-60-66; e-mail: info@dba.uz).

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (48- рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100003, Тошкент ш., Ислон Каримов кўчаси, 45. Тел.: (998) 71-232-61-25).

Диссертация автореферати 2019 йил «_____» декабрда тарқатилди.

(2019 йил «_____» декабрдаги _____-рақамли реестр баённомаси).

О.Т. Хусанов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
юридик фанлар доктори, профессор

Д.А. Каримов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий
котиби, юридик фанлар номзоди

И.Т. Тулътеев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
ҳузуридаги илмий семинар раиси, юридик фанлар
доктори, доцент

Ўзбекистон Республикасида 2017–2020 йилларга мўлжалланган амалий тадқиқотлар давлат илмий-техника дастурининг “Ф1. Жамиятни ривожланиши, давлат ва ҳуқуқ назарияси, иқтисодиёт рақобатбардошлиги” устувор йўналишига мос келади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологияларининг устувор йўналишлари билан боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот иши республика фан технологиялари ривожланишининг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ҳуқуқни қўллаш жараёнини прогнозлашнинг айрим назарий-ҳуқуқий масалалари Ўзбекистонлик олимлари С.М. Адилхўжаева, М.А. Аҳмедшаева, З.М. Исломов, Х.Т. Одилқориев, Ф.Х. Отахонов, Ф.Х. Рахимов, А.Х. Саидов, У. Таджиханов, И.Т. Тультеев, Р.Р. Хақимов, Ш.З. Ўразаев асарларида тадқиқ этилган². Ушбу масалалар МДХ олимлари (В. Агамиров, В.В. Андриук, А.С. Гатилова, В.С. Ломтева³ ва бир қатор бошқа чет эллик тадқиқотчилар⁴ томонидан батафсил ўрганилган. Ҳуқуқшуносликда криминологик ва жиноят-ҳуқуқий прогнозлашга доир тадқиқотлар кенг ва самарали олиб борилмоқда⁵. Барча тадқиқотчилар давлат-ҳуқуқий жараёнларни, шу жумладан ҳуқуқни қўллаш фаолиятини бошқаришда прогностикани қўллашнинг баъзи бир жиҳатларига у ёки бу даражада тўхталиб

²Қаранг: Адилхўжаева С.М. Глобализация и стратегия государства. – Т., 2007; Давлат ва ҳуқуқ назарияси / Маъсул муҳаррирлар Ҳ. Б. Бобоев, Ҳ. Т. Одилқориев – Т., 2000; Исломов З. М. Общество. Государство. Право. – Т., 2001; Его же. Давлат ва ҳуқуқ назарияси. – Т., 2007; Одилқориев Х.Т. Ўзбекистон Республикасида қонун чиқариш жараёни. – Т., 1995; Саидов А., Тожиқонов У. Давлат ва ҳуқуқ назарияси. – Т., 2001; Тультеев И.Т. Правотворческая деятельность и прогнозирование. – Т., 2008.

³Қаранг: Агамиров В.К. Проблемы юридического прогнозирования: методология, теория, практика. Монография.– М., 2015. - 408 с.; Андриук В.В. Теоретико-методологические основы юридического прогнозирования: Дисс. ... канд. юрид. наук. Ивано-Франковск, 2006; Гатилова А.С. Некоторые вопросы прогнозирования развития законодательства и их значение для адвокатской практики // Адвокат. 2014. № 4; Ломтева В.С. Прогнозирование в правотворчестве и правоприменении: Дисс. ... канд. юрид. наук. М., 2006; Радченко В.И., Иванюк О.А., Плюгина И.В., Цирин А.М., Чернобель Г.Т. Практические аспекты прогнозирования законодательства и эффективности применения прогнозируемых норм // Журнал российского права. 2008. № 8; Чернобель Г.Т., Иванюк О.А. Технология и техника правового прогнозирования // Юридическая техника / Под ред. Т.Я. Хабриевой, Н.А. Власенко. М., 2009.

⁴Қаранг: Kovač M. Regulation of automatic renewal clauses: a behavioral law and economics approach [Electronic resource] / M. Kovač, A.S. Vandenberghe // Journal of Consumer Policy. 2015. Vol. 38, iss. 3. P. 287-313. URL: <http://link.springer.com/article/10.1007%2Fs1060301592864>; Линдгрэн М., Бандхольд Х. Сценарное планирование. Связь между будущими стратегией? Изд. «Олимп-Бизнес» / <http://www.cfi.n.ru/management/strategy/plan/scenario.shtml>; Dewar J. A. Assumption-based planning: A tool for reducing avoidable surprises. — Cambridge University Press, 2002; Young J. The exclusive Society: Society: Social Exclusion, Crime and Difference in Late Modernity. SAGE Publications, 1999; Jacobs J., Potter K. Hate crimes: Criminal law & Identity Politics. Oxford University Press. 1998; Ekkehard Hofmann. The New European Regulatory Impact Assessment in Theory and Practice, Review of the Environmental Law Network International 2007.

⁵Қаранг: Аванесов Г. А. Теория и методология криминологического прогнозирования. - М., 1972; Аврутин Ю.Е., Гишинский Я.И. Криминологический анализ преступности в регионе. Методология, методика, техника: Учебно-методическое пособие. - Л., 1991; Садоха С.Л. Криминологическое прогнозирование и планирование борьбы с преступностью // Уголовное право и современность. Вып. 2. - Красноярск, 1998. - С. 98-104; Бойко А.И. Прогноз научных исканий в области уголовного права / Уголовное право в 21 веке. - М., 2002. - С. 105-110. Клейменов М.П. Уголовно-правовое прогнозирование: Дисс. ... докт. юрид. наук. Екатеринбург, 1992; Верещагин В.А. Прогнозирование и профилактика противоправного поведения осужденных в местах лишения свободы: Дисс. ... канд. юрид. наук. М., 1997; Тютиков С.Р. Криминологическое прогнозирование преступности среди осужденных к лишению свободы: Дисс. ... канд. юрид. наук. Рязань. 1998.

ўтганлар. Юридик прогнозлашнинг муҳим йўналиши саналган юридик футурология доирасида ҳам тадқиқотлар фаол олиб борилмоқда⁶.

И.Т. Тультеев ўз тадқиқотида ҳуқуқ ижодкорлигида прогнозлашнинг методологик, назарий ва амалий масалаларини таҳлил этиб, уни юридик фаннинг алоҳида муҳим йўналиши сифатида ўрганган.⁷ А.Р. Якубджановнинг ҳуқуқни қўллаш фаолияти ва жараёни муаммоларининг таҳлилига бағишланган диссертация тадқиқотида ҳуқуқни қўллаш жараёнининг мазмуни ва босқичларини, ҳуқуқни қўллашдаги хатолар моҳияти ва турлари ўрганилган⁸. А.Э. Имомовнинг тадқиқотида ҳуқуқни қўллашнинг баъзи бир масалалари таҳлил этилган⁹.

Ҳуқуқни қўллашнинг айрим жиҳатлари юридик фанининг турли йўналишлари доирасида у ёки бу даражада тадқиқ этилганига қарамай, ҳуқуқни қўллашда прогнозлаш муаммолари деярли ўрганилгани йўқ. Ҳозирги замон юридик фанида ҳуқуқни қўллаш масалаларига доир назарий тадқиқотларнинг бой ва анча эски анъанаси мавжуд, аммо ҳуқуқни қўллаш жараёнида прогнозлашдан фойдаланишнинг назарий концептуал ёндашув яратилмагани кўзга ташланмоқда. Шунинг учун, ҳуқуқни қўллаш органлари самарали фаолиятининг асоси саналган прогнозлаш билан боғлиқ назарий ва амалий вазифаларни ечиш талаб этилади. Бугунги кунда ҳуқуқни қўллашда прогнозлаш назариясини юридик прогнозлашнинг алоҳида муҳим тури ва ҳуқуқ назариясининг таркибий қисми сифатида шакллантириш муаммоси долзарб тус олди.

Диссертация ишининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация ишининг мавзуси Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясининг Илмий кенгаши томонидан тасдиқланган (2018 йил 18 ноябрдаги 11-сон қарор) ва илмий-тадқиқот ишлари режасига киритилган.

Тадқиқотнинг мақсади ҳуқуқни қўллашда прогнозлашнинг назарий ва амалий жиҳатларини комплекс тизимли тадқиқ этиш, унинг ҳуқуқни қўллаш тизимидаги ўрни ва аҳамиятини аниқлаш, ҳуқуқни қўллашни прогнозлаш методларини ўрганиш, шунингдек қонунчилик ва амалиётни такомиллаштириш юзасидан илмий асосланган таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ҳуқуқни қўллаш фаолияти муаммоларига доир мавжуд назарий ва эмпирик материални таҳлил қилиш, унда учрайдиган хатоларни аниқлаш ва умумлаштириш;

ҳуқуқни қўллашни прогнозлашнинг назарий ва ҳуқуқий асосларини, унинг тизимини ўрганиш; юридик прогнозлаш ҳақидаги анъанавий таълимот

⁶ Қаранг: Новичков В. Е., Новичков А. В. Уголовно-правовая футурология – источник правотворчества и уголовной политики в сфере борьбы с преступностью // Материалы Всероссийской научно–практической конференции 24–27 октября 2001 г. Ч. 2. – Курск, 2002. – С. 37–40;.

⁷ Тультеев И.Т. Правотворческая деятельность и прогнозирование. Монография. – Т., 2008.

⁸ Якубджанов А.Р. Теоретические проблемы совершенствования правоприменения и правоприменительного процесса. Автореф. дис. канд. юрид. наук. - Т., 2000.

⁹ Имамов А.Э. Совершенствование механизма реализации закона. / Автореф. дис. канд. юрид. наук. - Т., 2003.

асосида “хуқуқни қўллашни прогноллаш” категориясини умумназарий янги аниқлаш ва асослаш;

хуқуқни қўллашни прогноллашнинг юридик прогноллаш тизимидаги ўрни ва аҳамиятини аниқлаш;

хуқуқни қўллашни прогноллашнинг ҳозирги замон талқини, моҳияти ва мазмунини ёритиб бериш;

хуқуқни қўллашни прогноллаш методлари ва омилларини тадқиқ этиш;

хуқуқни қўллаш фаолиятини тартибга солувчи қонун ҳужжатларини такомиллаштириш ва хуқуқни қўллаш амалиёти соҳасида прогноллашнинг самарадорлигини ошириш юзасидан илмий тавсиялар ва таклифларни шакллантириш.

Тадқиқот объекти хуқуқни қўллаш фаолиятида прогноллашни жараёнида юзага келадиган ижтимоий муносабатлар таҳлили ташкил этади.

Тадқиқот предмети давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг хуқуқни қўллашда прогноллаш ҳақидаги илмий назариялар, ғоялар ва қоидалар ҳамда унинг амалиётда жорий этилиши ташкил қилади.

Тадқиқот усуллари. Амалга оширилган тадқиқотда фундаментал формал-юридик, мантқиқий, муаммоли-мақсадли, қиёсий-хуқуқий, тарихий-хуқуқий, синтез, тизимли таҳлил, моделлаштириш каби илмий билиш усулларидан фойдаланилди ҳамда прогностика усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги куйидагилардан иборат:

хуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш бўйича хуқуқни қўллашга доир самарадорлик ва таъсирчанлик чораларини тадқиқ этиш бўйича “Хуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги қонунини такомиллаштириш лозимлиги асослаб берилган;

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа доктринаси талабларига мувофиқ таҳдидларни нейтраллаштириш борасида прогноллашнинг хуқуқий ва ташкилий услублардан самарали фойдаланиш зарурлиги асослаб берилган;

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа доктринаси талабларига мувофиқ миллий хавфсизликнинг таъминланишини стратегик режалаштириш давлат тизимини қонунчилик йўли билан тартибга солишнинг самарали фойдаланиш зарурати асосланган;

“Атом энергиясидан тинчлик мақсадларида фойдаланиш тўғрисида”ги қонунда соҳадаги давлат назорати ва текшируви билан боғлиқ фаолиятни ташкил этиш, мажбурий талаблар ижросининг ҳолатини прогноз қилиш зарурати асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари куйидагилардан иборат:

“прогноллаш” тушунчаси, мазмуни, моҳияти ва ўзига хос хусусиятлари хуқуқни қўллаш жараёнининг таркибий қисми ва функцияси сифатида ўрганиш, комплекс илмий-амалий изланишлар олиб бориш учун методологик асос яратилишига хизмат қилганлиги очиқ берилган;

хуқуқни қўллашни прогноллаш механизмининг муҳим хусусиятлари ўрганилди, мазкур фаолиятнинг белгилари ва асосий принциплари аниқланди, унинг методлари тавсифланган;

прогнозлаш нуқтаи назаридан ҳуқуқни қўллашда учрайдиган типик хато ва камчиликлар тавсифланди ва танқидий таҳлил қилинган;

ҳуқуқни қўллаш жараёнида прогнозлашга қўйиладиган талаблар, шунингдек унинг сифати ва самарадорлигига таъсир этувчи омиллар аниқланди ва уларга тавсиф берилган;

ҳуқуқни қўллаш фаолиятининг самарадорлигини ошириш мақсадида қонунчиликни (Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги ва “Атом энергиясидан тинчлик мақсадларида фойдаланиш тўғрисида”ги қонунлари, “Ўзбекистон Республикасининг Мудофаа доктринаси”) такомиллаштириш бўйича таклифларишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг натижаларининг ишончилиги. Тадқиқот ишининг хулосалари давлат ҳокимияти, шу жумладан, ҳукумат фаолиятига оид миллий ва хорижий қонунчилик ҳужжатлари, ҳуқуқни қўллаш амалиёти, хорижий илғор тажриба ҳамда ўтказилган социологик сўровнома натижаларининг таҳлили асосида илгари сурилган. Шунингдек, тадқиқот натижаларининг ишончилиги диссертацияда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар расмий манбалардан олинганлиги, хулоса, таклиф ва тавсиялар апробациядан ўтказилганлиги ва амалиётга жорий этилганлиги ҳамда ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ҳуқуқни қўллашни прогнозлаш концепциясининг методологик асоси ва муҳим қоидалари ишлаб чиқилган, ундаги илмий-назарий хулосалар, таклиф ва тавсиялардан келгусида илмий фаолиятда, қонун ижодкорлигида, ҳуқуқни қўллаш амалиётида, миллий қонунчиликни такомиллаштиришда, ижро ҳокимияти органлари фаолиятининг методологик-услубий ёндашувларини такомиллаштириш ҳамда “Давлат ва ҳуқуқ тарихи”, “Конституциявий ҳуқуқ”, “Маъмурий ҳуқуқ” ва бошқа давлат-ҳуқуқий фанларни назарий бойитишда фойдаланиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, унда ишлаб чиқилган илмий хулоса, таклиф ва тавсиялардан миллий қонунчиликни такомиллаштириш ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини ривожлантиришда ҳамда ҳукумат ва бошқа ижро органлар фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришда ҳамда олий юридик таълим муассасаларида давлат-ҳуқуқий фанларни ўқитишда манба бўлиб хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ҳуқуқни қўллаш фаолиятида прогнозлашнинг назарий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш борасидаги илмий натижалардан қуйидагиларда фойдаланилган:

ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш бўйича идоралараро комиссиялар томонидан ҳуқуқни қўллаш фаолиятида тизимли камчиликлар юзага келишига имкон бераётган сабаблар ва шарт-шароитларни аниқлаш, таҳлил қилиш ҳамда уларни ҳуқуқни қўллаш амалиёти ва қонун ҳужжатларини такомиллаштириш йўли билан бартараф этиш тўғрисидаги таклиф Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майда қабул қилинган “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги ЎРҚ-371-

сонли Қонунининг 20-моддасига 2018 йил 9 январдаги ЎРҚ-542-сонли Қонунининг 29-банди билан жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси 2019 йил 24 октябрдаги 06/2-06-сон хати). Ушбу таклиф ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашишга доир ахборотни тўплашни, сақлашни, ҳуқуқни қўллашга доир самарадорлик ва таъсирчанлик чораларини тадбиқ этиш, шунингдек тегишли органлар ва муассасалар фаолияти самарадорлигини ва таъсирчанлигини оширишга хизмат қилган;

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа доктринаси талабларига биноан давлат тизимини қонунчилик йўли билан тартибга солиш самарадорлигини ошириш ва таҳдидларни нейтраллаштириш борасида прогнозлашнинг ҳуқуқий ва ташкилий услублардан самарали фойдаланиш борасида ўз вақтида монанд чора-тадбирлар кўриш тўғрисидаги таклифлар 2018 йил 9 январдаги ЎРҚ-458-сонли Қонуни билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикасининг Мудофаа доктринаси”нинг 16-банди ва 29-бандига жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси 2019 йил 24 октябрдаги 06/2-06-сон хати). Ушбу таклифлар Мудофаа доктринаси талабларини амалга оширишга доир ҳарбий-сиёсий вазиятнинг ривожланиш тенденцияларини мониторинг ва прогноз қилишда ҳуқуқий ва ташкилий-бошқарув характердаги омилдан самарали фойдаланишга хизмат қилган;

атом энергиясидан фойдаланиш соҳасида аниқланган қоидабузарликларга барҳам бериш юзасидан чоралар кўриш, мазкур соҳадаги фаолиятни амалга ошириш чоғида мажбурий талаблар ижроси устидан тизимли кузатиш, мажбурий талаблар ижросининг ҳолатини таҳлил ва прогноз қилиш тўғрисидаги таклиф 2019 йил 9 сентябрдаги “Атом энергиясидан тинчлик мақсадларида фойдаланиш тўғрисида”ги ЎРҚ-565-сонли Қонунининг 23-моддасига жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси 2019 йил 24 октябрдаги 06/2-06-сон хати). Ушбу таклиф атом энергиясидан фойдаланиш соҳасида ҳуқуқни қўллаш органлари фаолияти ва унинг натижалари устидан назорат олиб бориш, уни прогноз қилишда қонунчилик ва юридик технологияларни такомиллаштиришга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 2та халқаро ва 3та республика илмий-амалий конференция материаллари ҳамда давра суҳбатларида апробациядан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 17та илмий ишлар, жумладан, 8та мақола (3таси хорижий нашрларда) конференцияларда 9та мақола (2 таси халқаро) чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, учта боб, саккизта параграф, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловадан иборат. Диссертациянинг ҳажми 147 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** (диссертация аннотацияси) қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурлиги, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги, тадқиқ этилаётган муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети, усуллари, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижаси, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти, жорий қилиниши, апробацияси, эълон қилинганлиги ва диссертациянинг ҳажми ва тузилиши ёритиб берилган.

Диссертациянинг биринчи боби **“Ҳуқуқни қўллаш фаолияти ва прогнозлашнинг назарий-ҳуқуқий асослари”** деб номланиб, ҳуқуқни қўллаш фаолияти ҳамда норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларини қўллаш имкониятлари ва мўлжалланган оқибатларини олдиндан кўра олиш мақсадини кўзловчи прогнозлаш фаолиятининг моҳияти ва асосий хусусиятларини очишга бағишланган.

Диссертациянинг **“Ҳуқуқни қўллаш фаолиятининг моҳияти, мазмуни ва принциплари”** деб номланган биринчи параграфда ҳозирги замон ҳуқуқни қўллаш назариясининг умумий муаммолари кўриб чиқилган, шунингдек, ҳуқуқни қўллаш фаолиятининг тушунчаси, механизмнинг структураси, таркибий элементлари ва хусусиятлари таҳлил этилган.

Амалга оширилган тадқиқот ва таҳлиллар асосида диссертант куйидаги хулосаларга келади: ҳуқуқни қўллаш ҳуқуқий тартибга солиш механизмнинг элементи сифатида реал ҳуқуқий муносабатларга ҳуқуқий нормага сингдирилган хулқ-атворнинг модели ва қоидаларини жорий этишга хизмат қилади. Ҳуқуқни қўллаш фаолияти субъектлари ҳуқуқий норма қоидаларига асосланган ҳолда (таяниб), гўёки уларни ҳаётини вазиятларга “сингдириш”га интиладилар, баҳолайдилар ва норматив-ҳуқуқий талабларни ижтимоий муносабатларнинг аниқ ҳолатларига мослаштиришга ҳаракат қиладилар.

Муаллифнинг фикрича, ҳуқуқни қўллаш фаолияти сифат жиҳатдан мустақил ҳуқуқий ҳодиса (воқелик) сифатида ҳуқуқ-тартибга солиш механизмида ҳуқуқий қоиданинг бошқа шакллари (риоя этиш, фойдаланиш, бажариш) фойдаланиш алоҳида мавқени эгаллайди. Шунга кўра у куйидаги функцияларни бажаради: а) ташкилий-ижро этувчи; б) ҳуқуқни муҳофазаловчи; в) ҳуқуқни тикловчи.

Назарий мунозаралар асосида диссертант ҳуқуқий нормани қўллаш механизми ҳуқуқий нормани реал ҳаётга татбиқ этишга хизмат қилувчи моддий-техникавий, ташкилий-бошқарув ва махсус-юримдик характердаги ўзаро боғлиқ восита ва чоралар комплекси деган тўхтамга келади.

Ҳуқуқни қўллаш ҳуқуқни амалга оширишнинг ўта муҳим шакли сифатида талқин этилиб, унда ҳуқуқни қўлловчи субъект ўз ҳокимона фаолияти натижасида ҳуқуқий норматив қоидаларни ҳаётга жорий этишни таъминлаш мақсадида зарур восита ва методлардан фойдаланиб, ҳуқуқий нормани

қўллашнинг имкониятлари ва мўлжалланган оқибатларини инобатга олиб қарор чиқаради.

“Хуқуқни қўллаш амалиёти: ҳолатни баҳолаш, нуқсонларнинг сабаблари ва оқибатлари” номли иккинчи параграфда хуқуқни қўллаш фаолиятидаги асосий камчиликлар очилган. Диссертант хуқуқни қўллаш фаолиятининг амалиётда кўп учрайдиган камчиликларини аниқлайди, бунда хуқуқни қўллашдаги хатоларга ҳам устувор эътибор қаратади. Муаллиф хуқуқни қўллаш самарадорлигини оширишнинг мавжуд камчилик ва хатоларни камайтиришнинг зарурий шарти сифатида хуқуқни қўллаш субъектлари ихтиёридаги хуқуқни қўллаш фаолиятининг барча параметрлари ва мумкин бўлган оқибатлари ҳақидаги кенг ва ишончли прогноз ахборотлари мавжуд эканлигининг аҳамиятини кўрсатиб ўтади.

Прогнозлаш хуқуқни қўллаш органларининг хатоларини бартараф этишнинг муҳим воситаларидан бири ҳисобланади. Унинг аҳамияти ва кадр-қиммати хуқуқни қўллаш амалиётининг келиб чиқиши мумкин бўлган оқибатларини, шунингдек қонунчиликнинг бузилиш ҳолатларини натижаларини кенг қамраб олиш имкониятлари мавжудлигида кўринади. Прогнозлаш хуқуқни қўлловчи субъектнинг хатосини у содир этиб бўлингандан кейин эмас, балки мақсадли иш олиб бориб, олдиндан кўра билиб, унинг олдини олиш имконини беради.

“Прогнозлаш хуқуқни қўллаш органлари самарали фаолиятининг асоси сифатида” номли учинчи параграфда хуқуқни қўллаш жараёнида амалга ошириладиган юридик прогнозлашнинг турли жиҳатлари тадқиқ этилган. Хуқуқни қўллаш фаолиятида уни прогноз маълумотлари билан таъминлаш, хуқуқни қўллаш жараёнида фойдаланиладиган прогностика воситалари ва усуллари муҳим ўрин тутаяди. Ушбу восита ҳамда механизмлар қонун нормаларига бевосита амал қилувчи хусусият бахш этади. Хуқуқни қўлловчи субъектлар учун чуқур асосли прогноз маълумотларга эга бўлиш – хуқуқ нормаларини қўллашда ҳуқуқий ҳодисалар ва ҳатти-ҳаракатлар оқибатини аввалдан тасаввур этиш, унинг нохуш натижаларига ўз вақтида муносабат билдириш имкониятини аниқлатади. Аини вақтда бундай имконият самарали хуқуқни қўллашни ва унинг устидан таъсирчан назорат ўрнатилишини таъминлайди.

Тадқиқот натижасида муаллиф қуйида ҳолатни асослантиради: хуқуқни қўллаш фаолиятини оқилона ташкил этиш, субъектлар томонидан хуқуқ нормалари талабларини малакали амалга жорий этиш, уларнинг юридик ҳатти-ҳаракатларни тўғри ташкил этиш қобилияти, мақсадга эришишга имкон берувчи юридик қарорларни қабул қилиш, юридик ишларни тез ва тўла-тўқис ҳал этишларига саводли амалга оширилган прогнозлар кўмак беради. Шу боис хуқуқни қўллаш қарорлари асослантирилган, пухта ўйланган, юридик жиҳатдан саводли ва барча оқибатларни инобатга оладиган бўлиши учун мукамал прогнозлашга таяниши лозим.

“Хуқуқни қўллашда прогнозлаш” ибораси талқинига диссертант томонида тизимли ёндашувнинг қўлланиши натижасида ушбу тушунчани

қуйидаги уч маънода изоҳлаш мумкин бўлди: 1) ҳуқуқни қўллаш фаолияти асосланувчи принцип сифатида; 2) ҳуқуқни қўллаш фаолиятининг муҳим функцияси сифатида; 3) махсус юридик фаолият сифатида.

Ҳуқуқни қўловчи субъект ҳуқуқ нормаси мазмунини идрок этар экан, айти пайтда мумкин бўлган, мақбул ёки тақиқланган ҳуқ-атвор андозасини ҳам идрок этади. Бошқача айтганда, реал ижтимоий муносабат, реал ҳаёт шароити ҳуқуқ нормаларида акс эттирилган идеал андоза билан мувофиқлаштирилади. Ҳуқуқий модел (андоза)нинг дастурлаштириш функцияси ҳуқуқни қўллаш жараёнида ҳуқуқий қоидаларнинг ижтимоий ҳаётда амалга оширилишини башорат қилишимкониётини беради.

Диссертациянинг **“Ҳуқуқни қўллаш фаолиятида прогнозлаш: моҳияти, мазмуни ва методлари”** деб номланган иккинчи бобида ҳуқуқни қўллашга доир прогнозлашнинг вазифаси ва моҳияти ўрганилади. “Ҳуқуқни қўллаш фаолиятини прогнозлашнинг назарий асослари” деб номланган биринчи параграф ҳуқуқни қўллашга доир прогнозлашнинг умумназарий масалалари таҳлиliga бағишланган.

Ҳуқуқни амалга ошириш муаммоларининг назарий таҳлили, ҳуқуқни қўллаш қонуниятларини англаб етиш диссертантга ҳуқуқни қўллаш фаолиятини прогноз билан таъминлаш амалда зарур, деган хулосага келиш, ҳуқуқни қўллашда прогнозлаш ҳуқуқни қўллаш фаолиятининг таркибий қисми ҳисобланади ва мазкур фаолият тизимида муҳим ўрин эгаллайди, деган ғояни асослаш имкониётини беради. Пировардида муаллиф ҳуқуқни қўллаш фаолиятини прогноз билан таъминлаш унинг асослилиги ва самаралилигининг муҳим омили ҳисобланади, деган хулосага келади.

Юридик прогнозлаш муаммоларига бағишланган адабиётларни ўрганиш ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти таҳлили бизга ҳуқуқни қўллаш фаолиятини прогнозлашни юридик прогнозлашнинг мустақил тури сифатида ажратиш учун асос беради. Ҳуқуқни қўллаш фаолиятини прогнозлаш ҳуқуқни қўллаш жараёнида амалга ошириладиган, ҳуқуқ нормалари талабларига ва юридик амалиёт эҳтиёжларига айниқса мувофиқ келадиган ҳуқуқий қарорлар қабул қилишга қаратилган ҳуқуқни амалга оширишнинг ҳолати ва ривожланиш имкониётларини ўрганишдир. Прогнозлаштиришга таянмасдан туриб ҳуқуқни қўллаш фаолиятини амалга ошириш мумкин эмас. Ҳуқуқни қўллаш фаолиятини прогнозлаш ҳуқуқ нормалари қўлланилишининг юз бериши мумкин бўлган салбий оқибатларини мумкин қадар камайтиришни, уларнинг ножўя таъсирини бартараф этиш йўллари ва усулларини топишни назарда тутати. Ҳуқуқни қўллаш фаолиятини прогнозлаштиришнинг асосий вазифаси ҳуқуқий ҳужжатнинг уни қабул қилиш чоғида белгиланган мақсадлари ва талабларини тўлақонли амалга оширишдан иборат.

Ҳуқуқни қўллаш фаолиятини прогнозлаш, прогностика методлари ёрдамида ҳуқуқий қарорлар қабул қилиш борасидаги юридик амалиёт сифатида, қуйидаги белгилар билан тавсифланади:

– вариантлик, яъни ҳуқуқни қўллаш жараёнида ҳуқуқий ривожланишнинг бир неча имкониётлари, бир неча вариантлари мавжудлиги;

– детерминизм, яъни ҳуқуқни қўллаш жараёнига унинг ривожланишига таъсир кўрсатувчи турли хил омиллар нуқтаи назаридан ёндашиш;

– фаоллик, яъни ҳуқуқни қўллаш жараёнининг ўзгарувчанлиги, мослашувчанлиги, унинг муттасил ривожланишга қодирлиги, унда номуайянликлар ва тасодифлар юз бериши мумкинлиги;

– мақсадларининг аниқлиги, яъни ҳуқуқни қўллашнинг (тегишли равишда прогнозлаштиришнинг ҳам) пировард ва оралик мақсадлари мавжудлиги, пировард мақсаднинг қолган мақсадлардан устунлиги;

– ҳуқуқни қўллаш жараёнининг яхлитлиги ва ягоналиги, яъни у босқичлар ва тартиб-таомилларнинг тартибга солинган мажмуи сифатида қаралиши.

Ҳуқуқни қўллаш фаолиятини прогнозлаш ҳуқуқни қўллаш фаолияти субъектлари томонидан амалга ошириладиган ҳуқуқ нормаларини қўллашнинг юз бериши мумкин бўлган ва мақбул оқибатларини башорат қилиш ва таниб олиш усуллари ва методлари тизимидир. Амалда ҳуқуқни қўллаш билан боғлиқ ҳар қандай вазият унинг оқибатларига прогноз усулида баҳо беришни у ёки бу даражада талаб қилади. Бунга суд ҳукмини чиқариш, мансабдор шахсни тайинлаш тўғрисида буйруқ чиқариш, тижорат шартномаси тузиш мисол бўлиши мумкин. Ҳуқуқий тартибга солишда прогнозлаштириш жараёни айни пайтда ўз мақсади, вазифалари ва мантиқий асосга эга бўлган фикрлаш фаолияти ва амалий фаолиятдир. Ҳуқуқни қўллаш фаолияти механизми қуйидаги мақсадларни кўзловчи прогнозлаш элементини ўз ичига олади: а) қўлланилаётган ҳуқуқий нормалар мақсади ва маъноси тўғри тушунилишини таъминлаш; б) ҳуқуқ нормалари талабларини амалга ошириш юз бериши мумкин бўлган оқибатларини эътиборга олиш, мақбул оқибатларни эса рўёбга чиқариш; в) юридик амалиётнинг бир хиллиги ва барқарорлигини таъминлаш.

Ҳуқуқни қўллашга доир прогнозлаш, бу, биринчидан, ҳуқуқни қўллаш фаолиятининг таркибий элементидир; иккинчидан, у ишни ҳал қилиш учун асос, ўзига хос “андоза”дир; учинчидан, у конкрет ишни ҳал қилишда ҳуқуқ нормаларини қўллашнинг мушоҳада юритиш йўли билан яратилувчи стандарти, “қолипи”дир. Лўнда қилиб айтганда, ҳуқуқни қўллашга доир прогнозлаш ишларни ҳал қилишда ҳуқуқ нормаларини қўллашнинг шарти ва асоси сифатида, белгиланган қоидаларни амалга ошириш учун ўзига хос гипотеза сифатида амал қилади. Ҳуқуқни қўллашга доир прогнозлаш – бу идеал ҳолатда ҳуқуқни қўллашнинг объектив қонуниятларини акс эттириш, жой ва вақтнинг конкрет шароитларида уларнинг амал қилишини ҳисобга олиш, ҳуқуқни қўллаш амалиёти эҳтиёжларини оптимал ифодалаш, энг оқилона ҳуқуқий воситалар ва усулларни танлаш, уларнинг амал қилиш самарадорлигини башорат қилиш ва таъминлашдир. Бинобарин, ҳуқуқни қўллашнинг тартибга солиш имкониятлари юқорида зикр этилган оқибатлар қай даражада аниқ прогноз қилингани билан белгиланади.

“Ҳуқуқни қўллаш фаолиятида прогнозлашнинг ташкилий-ҳуқуқий асослари” деб номланган иккинчи параграф ҳуқуқни қўллашда прогнозлашни ташкил этишнинг таҳлилига бағишланади.

Ҳуқуқни қўллашга доир қарорни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш шаклларида бири ҳисобланган ҳуқуқни қўллашга доир прогнозлаш ҳуқуқни қўллаш фаолиятини ташкиллаштиришнинг муҳим элементи сифатида амал қилади. Аммо ҳуқуқни қўллашга доир прогнозлаш, режалаштиришдан фарқли ўлароқ, ҳуқуқни қўллашнинг бошқа функцияларини камроқ даражада белгилайди, чунки мавжуд ресурслардан келиб чиқиб қарорларнинг кўп вариантлилигига йўл қўяди. Диссертант ҳуқуқни қўллаш фаолиятида прогнозлашнинг ролини кучайтириш учун “рационализм” ёки “оқилоналик” тушунчасига мурожаат этиш ўринли бўлади, деб ҳисоблайди. Бу атамани у мутлақо муайян ҳолатда ишлатади. Мазкур атама ҳуқуқни қўллашга доир муайян ҳаракатни танлаш пайтида мумкин бўлган вариантлар сони бир-бирини истисно қилувчи бир нечта муқобиллар сонига тенг бўлишини аниқлатади. Танлаш, энг аввало, ҳуқуқни қўллаш жараёни субъектларининг ҳаракат ва қарорларнинг оқилоналигига боғлиқ бўлади. Рационализм тушунчаси мазкур контекстда муқобиллар ўртасида субъектив танлашни амалга ошириш жараёнини қайд этади.

Ҳуқуқни қўллашга доир прогнозлашнинг ташкилий механизми давлат, унинг органлари ва мансабдор шахслар томонидан амалга ошириладиган, вазифаси ҳуқуқни қўлланиш оқибаглари ўрганилишини таъминлашдан, шунингдек ҳуқуқни қўлловчининг прогнозлари ҳуқуқни қўллашнинг самарадорлигини ва унинг қонун мақсадлари ва талабларига мувофиқлигини таъминлаши учун шароит яратишдан иборат бўлган ташкилий-бошқарув ва махсус юридик тусдаги ўзаро боғланган чора-тадбирлар мажмуини ўзида ифода қилади.

Прогнозлаш жараёни ўрганилаётган объектнинг ҳолати, илгари кузатилган унинг ўзгариш қонуниятлари, мазкур даврда унинг фаолият кўрсатиш шароитлари ҳақида мавжуд ахборотга муайян метод билан ва маълумот воситалар тўплами ёрдамида ишлов бериш ва уни объектнинг бўлғуси ҳолати ёки ҳулқ-атвори ҳақидаги тасаввурлар тизимига (ахборотга) айлантиришдан иборатдир.

“Ҳуқуқни қўллаш фаолиятини прогнозлаш методлари” деб номланган учинчи параграф ҳуқуқни қўллашда прогнозлаштириш методларининг таҳлилига бағишланган. Ҳуқуқни қўллашга доир прогнозлаш методологияси ўрганилаётган объектнинг бўлғуси ҳолати ҳақида прогностик ахборот олишнинг уч асосий методи: экстраполяция, моделлаштириш ва экспертиза-прогностик мониторингга асосланади.

Муаллиф фикрига кўра, ҳуқуқни қўллашга доир прогнозлашда шу жумладан техника фанлари учун ишлаб чиқилган эвристик воситалардан, чунончи: ихтирочилик вазифаларини ҳал қилиш назарияси ва унинг негизида яратилган муаммоли вазиятларни ечиш тартибидан фойдаланиш мумкин ва мақсадга мувофиқдир. Ҳуқуқни қўллашга доир қарорни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш шаклларида бири ҳисобланган прогнозлаш ҳуқуқий тартибга солиш циклининг ҳуқуқ нормалари амалга оширилишини таъминловчи муҳим элементи сифатида амал қилади. Аммо ҳуқуқни қўллашга доир прогнозлаш ҳуқуқни қўллаш жараёни ва унинг натижаларини белгилайди, зеро мавжуд

ресурслардан келиб чикиб қарорларнинг кўп вариантлилигига йўл қўяди. У ҳуқуқий тартибга солиш вазифаларини оптимал ечиш имкониятини берувчи воситалар ва вариантларни топиш ва асослашни назарда тутлади.

Диссертант ҳуқуқни қўллашга доир прогнозлашни амалга оширишнинг қуйидаги тартибини таклиф қилади: 1) Ҳуқуқни қўллашга доир вазиятни, яъни ҳуқуқни қўллашга доир муносабат, жараён, ҳодисанинг беқарорлик билан тавсифланувчи ва қонун талабларига биноан ҳал этишни талаб қилувчи ҳолатини аниқлаш ва баҳолаш. Ҳуқуқни қўллашга доир вазият ҳуқуқни қўллашга доир прогнозлашнинг бошланғич нуқтаси ҳисобланади; 2) Ҳуқуқни қўллашга доир вазиятни ҳал қилиш мақсадини белгилаш. Ҳар қандай мақсад муайян муаммони ҳал қилишга интилишни ўзида ифодалайди. Ҳуқуқни қўллашга доир мақсад – тегишли ҳуқуқни қўллаш муаммосини ҳал қилиш йўлидаги ҳаракатдир. Амалда гап, одатда, “муаммоли-мақсадли вазият” ҳақида боради, чунки юзага келган муаммо уни ечишга интилишни вужудга келтиради, бинобарин, тегишли мақсад билан узвий боғлиқ бўлади; 3) Ҳуқуқни қўллашга доир турли қарорларнинг оқибатларига баҳо бериш ва уларни “торозига солиш” ҳамда уларнинг орасидан энг мақбулини танлаш. Бунинг натижаси ўлароқ мақсадга ҳуқуқий воситалар билан эришиш йўллари аниқланади; 4) Ҳуқуқни қўллашга доир қарорни ишлаб чиқиш.

Ишнинг учинчи боби **“Ҳуқуқни қўллаш фаолиятида прогнозлашни такомиллаштириш омиллари ва йўллари”** деб аталади. У ҳуқуқни қўллашга доир прогнозлаш муаммолари ва уларнинг амалий ечимини топиш масалалари таҳлилига бағишланган.

Ушбу бобнинг биринчи параграфи “Қонунчилик сифати – самарали ҳуқуқни қўллаш фаолиятининг асоси” деб аталади. Ушбу параграфда қонунчиликнинг сифат кўрсаткичлари ҳуқуқни қўллашнинг унумдорлиги нуқтаи назаридан таҳлил қилинган.

Қонунда ифодаланган ҳуқуқий норманинг сифати унинг самарали амал қилиши шарти ҳисобланади. Қонун сифати унинг ҳуқуқий нормалари мазмунининг муайян талабларга мувофиқлигидир. Бу талаблар ижтимоий муносабатларни самарали тартибга солиш мақсадида қонун чиқарувчи органнинг иродаси нормада қай даражада аниқ ифодаланганидан ва унинг ҳуқуқни қўлловчи субъектга тушунарли эканлигидан далолат беради. Қонунда сифатнинг барча мезонлари оптимал нисбати мавжуд бўлган ҳолдагина қонунни сифатли деб тавсифлаш мумкин бўлади. Шундан келиб чикиб қонун сифати деганда унинг қоидаларида мустаҳкамланган тартибга солиш функцияси ва мақсадларни ҳуқуқни қўллаш шароитида амалга ошириш имкониятини берувчи қобилиятини амалда белгиловчи хоссалар мажмуини тушуниш таклиф қилинади. Шу нуқтаи назардан “натижаларга кўра ҳуқуқий тартибга солиш”га, яъни ҳуқуқни амалга ошириш жараёнида қонунларни амалга оширишнинг ҳақиқий натижаларига баҳо беришга ўтиш зарурлиги тўғрисида сўз юритиш ўринли бўлади.

“Натижаларга кўра ҳуқуқни қўллаш”га ўтиш ҳуқуқни қўллаш амалиётининг мафкуравий ва методологик асосини прогнозлаш базасида

шакллантириш сифатида қаралиши мумкин. Ҳуқуқни қўллаш фаолиятининг мақсадлари ва натижаларини прогнозлаш, мазкур фаолият натижаларига эришилиши устидан доимий назорат методикасини яратиш ва унинг амалга жорий этилишини таъминлаш талаб этилади. Бунинг учун қўйидаги чоратadbирлар амалга оширилиши лозим: а) ҳуқуқни қўллаш мақсадларини ҳуқуқни қўллашга доир конкрет ҳаракатлар билан боғлаш имкониятини берувчи мақсадни белгилаш тартиблари ва таомилларини амалга жорий этиш; б) қўйилган вазифаларни бажариш, шунингдек натижаларга эришилиши устидан назоратни таъминлаш ва ҳуқуқни қўлловчи субъектларнинг шахсий жавобгарлигини белгилаш имкониятини берувчи усулларни ишлаб чиқиш ва амалга жорий этиш; в) ҳуқуқни қўллаш фаолиятининг самарадорлигига баҳо бериш тизимини ишлаб чиқиш ва амалга жорий этиш; г) белгиланган мақсадларга эришишга монелик қилаётган ҳолатларга баҳо бериш тизимини амалга жорий этиш.

Ҳуқуқни қўллаш фаолиятига татбиқан “унумдорлик” тушунчасининг қонунда қўйилган мақсадларга ва уни амалга оширишдан кутилган натижаларга эришиш даражаси сифатидаги талқини таклиф қилинади. Бу ерда қўйилган мақсадга эришиш учун сарф-харажатлар ҳам, ушбу мақсадга сифатли баҳо бериш ҳам, ижтимоий, сиёсий ёки бошқа оқибатлар ҳам муҳим, бироқ натижанинг ўзи ва унга эришиш даражаси муҳимлик жиҳатидан биринчи ўринда туради. Айни шу сабабли мазкур натижани миқдор жиҳатидан ва ўта аниқ ифодалаш унумдорликни баҳолашнинг бош шартига айланади. Самарадорлик деганда ҳуқуқий тартибга солиш ресурслари ва натижаларининг ҳуқуқни қўллашдан олдин ва кейинги нисбатини тушуниш таклиф қилинади. Бу икки тушунчага учинчи — мақсадга мувофиқлик тушунчасини, яъни ҳуқуқни қўллаш хусусияти ва оқибатларини сифат ва миқдор жиҳатидан тавсифлашни кўшимча қилиш ўринли бўлади.

Ҳуқуқни қўллаш фаолиятини прогнозлаш ҳуқуқни қўллаш жараёни мослашувчан тус олишига имконият яратади, ҳуқуқ нормаларини амалга ошириш жараёнида юзага келган қийинчиликларни тез бартараф этишга ёрдам беради. Мослашувчанлик ҳуқуқни қўллаш функцияларини амалга ошириш олиб келиши мумкин бўлган оқибатларни ўрганиш натижаларини ҳисобга олган ҳолда ўз ҳаракатини ўзгартириш қобилиятини англади. У ҳуқуқни қўллаш тизимининг ҳуқуқий тизим ва ҳуқуқий ҳодисаларнинг ўзгаришларига мослашувчанлигини таъминлайди. Бу ижтимоий муносабатларнинг барқарорлиги ва уларнинг ривожланиш динамикаси ўртасидаги зиддиятларни мувофиқлаштиришнинг ўзига хос механизмидир. Ҳуқуқни қўллаш фаолиятида “вазиятга доир” ҳуқуқни қўллаш фарқланади, бунда ҳуқуқни қўлловчига ўз фаолият услубини танлашни қонун доирасида амалга ошириш имконияти берилади. Бундай шароитда ҳуқуқни қўллаш натижаларини прогнозлаш имконияти ва айниқса ҳуқуқни қўллаш фаолиятини амалга ошириш қонуниятларини аниқлаш алоҳида аҳамият касб этади.

Мазкур бобнинг “Ҳуқуқни қўллаш фаолиятини прогноз билан таъминлашни яхшилаш муаммолари” деб номланган иккинчи параграфида

ҳуқуқни қўллаш фаолиятида прогнозлаш институтини такомиллаштиришнинг бир қатор жиҳатларини таҳлил қилинган.

Диссертант ҳуқуқни қўллаш фаолияти самарадорлигининг зарурий шарти сифатида ҳаққоний, прогностик асосланган қарор ва ҳужжатларни қабул қилиниши учун имкон қадар кенг ва ишончли ахборот базаси бўлиши лозимлигини асослаб беради. Муаллиф ҳуқуқни қўллашга оид ҳаракат ва қарорлар натижаларини умумлаштириш асосида методик материалларни тизимли тайёрлаш, ҳуқуқни қўллаш стандартлари, мазкур фаолиятдаги типик хато ва камчиликларни бартараф этишни ҳуқуқни қўлловчи орган зиммасига юклатиш шартлигини асослантиради.

Ҳуқуқни қўллаш фаолиятини прогнозлашни ахборот билан таъминлаш самарадорлигини ошириш масаласини кўриб чиқиб, у ҳуқуқни қўлловчи субъектларга ҳуқуқни қўллаш натижалари, кўрсаткичлари, ҳолатини кўрсатувчи статистик маълумотларни, шарҳлар ва бюллетенларни, шунингдек бошқа ахборот – таҳлилий материалларни юбориш тартиби ҳамда мажбурийлигини қонунчилик даражасида мустаҳкамлаш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайди.

Муаллиф амалиётдаги хатоларнинг олдини олиш (профилактика қилиш)нинг воситаси сифатида айнан ҳуқуқни қўлловчиларнинг ўзларини тегишли ҳуқуқий тарбияга эга бўлиши лозимлигини кўрсатади. Ҳуқуқни қўлловчиларнинг ҳуқуқий маданиятини ҳуқуқни қўллашни самарадорлигига таъсирини ўрганиб чиқиб, диссертант қуйидагиларни таклиф этади: 1) юридик олий ўқув юртларининг, қайта тайёрлаш ва малака ошириш марказларининг дастурларига факультатив курс ва тренингларни киритиб, натижада юридик амалиётдаги ижобий ва салбий ҳодисаларнинг таҳлили асосида ҳуқуқни қўллаш қарорларини қабул қилиш кўникмаларини шакллантириш, ҳуқуқни қўллашда типик хатоларга йўл қўймаслик ва уларни бартараф этиш кўникмаларини яратувчи кейс-таълимларни йўлга қўйиш; 2) давлат хизматчиларининг ҳуқуқий маданияти ва ҳуқуқий онгини ошириш мақсадида дастурларга кундалик иш жараёнида вазиятни профессионал даражада англаш ва қонунчилик нормаларини тўғри қўллашни шакллантирувчи алоҳида бўлимларни киритиш (Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида”ги Фармонининг 1- банди).

